Тошкент ҳақиқати
28 февраль, 1991 йил ● № 42 (10.038).

# 17 МАРТ — СССР РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

## ИТТИФОҚ ТАҚДИРИ ХАЛҚ ҚЎЛИДА

СССР халқ депутатлари IV съездининг умумхалқ овоз бериш тўғрисида қабул қилган қонунига мувофиқ умумхалқ референдуми ўтказишга қарор қилингандан кейин касби оддий ишчи бўлган дўстим билан шу ҳақда баҳслашиб қолдик.

— Жуда яхши бўлди,— дея таъкидлади у.— Шояд энди бизнинг Ўзбекистон жумҳуриятимиз ҳам шу йўл билан Иттифоқдан ажралиб чиқиб, мустақил бўлиб олса.

— Бу билан нима ўзгаради,— дедим мен ўз қарашларимни баён қилиб.— Ҳозир мамлакатимиз кўпгина соҳалар бўйича инқироз ботқоғига шунчалар чуқур ботиб турибдики, агар халқларимиз ягона бир иттифоқ атрофига яна ҳам мустаҳкамроқ жипслашмасалар, эҳтимол ундан сира ҳам ҳалос бўла олмаслигимиз мумкин. Мен қандай бўлмасин, СССРни сақлаб қолиш тарафдориман.

— Мен эса аксинча нуқтаи назарга эгаман,— яна бўш келмади дўстим —Туркистон ўлкасини Россияга қўшиб олишгани эмас, босиб олишгани энди сир эмас-ку? Агар Ўзбекистон Иттифоқдан ажралиб чиқса, ҳар томонлама ривожланиб, бойлигига-бойлик қўшилади. Қачонгача топган тутганимизни марказга ташиб кетишади, ахир?!

Бу унинг шахсий фикрлари эканлиги учун ортиқча эътироз билдирмадим.

Лекин орадан бир муддат вақт ўтгач, ўша дўстим билан яна ҳамсуҳбат бўлиб қолдик.

— Ўйлаб қарасам, ростдан ҳам Иттифоқдан ажралиб чиқиш мен кутган нафни бермас экан,— дея ўйлаб муаммоларни санай кетди. Хусусан Оролни мисол қилиб кўрсатди. Энди денгизни қайта тиклаш масаласи чиндан ҳам умумхалқ муаммосига айланганлигини айтиб, ўқиган ва эшитганларига асосланиб, бу мураккаб муаммони биргина жумҳуриятимизнинг ўзи ҳал эта олмаслигини тан олди.— Бизнинг марказда ҳақимиз кўп, уларни қайтариб олиш учун ҳам СССР таркибидан чиқмаслигимиз керак экан, — қўшимча қилди у гапининг сўнггида.

Унинг сўзларини эшитиб, тўғриси иттифоқимизни сақлаб қолишга интилаётган кишилар сони яна биттага кўпайганлигидан хурсанд бўлдим. Аввалги фикрларини эса ҳарчанд оғир-енгил гапларимни кўтара олишига қарамай юзига солмадим. Энг муҳими у иттифоқ тақдири хусусида ўйлаяпти, оддий бир фуқаро сифатида бу борада мушоҳада юритмоқда. Шунга қувондим. Чунки мамлакатимиз тарихида биринчи марта ўтказилаётганлиги туфайли бу муҳим сиёсий кампания тўғрисида ҳали одамларда тўлиқ тушунчалар бўлмаслиги табиий. Эҳтимол шунинг учун ҳам референдум ўтказишга тайёргарлик кўриш жойларда бирмунча қийин кечмоқда. Мана шу масалалар бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораётган мавзе ва участка комиссиялари аъзоларининг ўзлари ҳам баъзан бир қатор мураккабликларга дуч келиб қолишмоқда. Буни мен истиқомат қилаётган Пискент ноҳияси мисолида ҳам учратиш мумкин. Шунга қарамай муаммолардан қатъий назар, тайёргарлик ишлари тобора авж олдириляпти.

Бугунги кунда ноҳия кенгаши раисининг ўринбосари Миролим Миркамолов бошқараётган 29-Пискент мавзе комиссиясига бўйсунувчи 21 та участкада иш қизғин.

Ҳар бир участка таркибига меҳнат жамоалари ўз йиғилишларида номзодларини кўрсатган 11 нафардан аъзо киритилган. Айни вақтда 233 киши яқинлашиб келаётган муҳим сиёсий кампания масъулиятини чуқур ҳис қилган ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозиргача комиссия аъзолари овоз берувчи кишиларнинг рўйхатларини тузиб, тахт қилиб қўйдилар. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда умумхалқ референдумида Пискент ноҳиясидан 18 ёшга тўлган 36 минг 415 нафар киши иштирок этади. Овоз берувчиларга қулай бўлиши ва етарли тушунча пайдо қилиш учун жойларда референдумнинг нима эканлиги хусусида қизғин баҳслар бўлиб ўтмоқда.

Ана шу мақсадда ноҳия партия қўмитаси 8 февраль куни ягона сиёсий кун ўтказди. Унда иштирок этган ноҳия кенгаши депутатлари ва райком аъзоларидан иборат 40 нафар киши жойлардаги 100 дан зиёд ташкилот, корхона, муассасалар хўжалик ва меҳнат жамоаларида бўлиб, маъруза қилдилар. Тайёргарлик ишлари айниқса, Баҳодир Отахонов, Абдуқаҳҳор Абдуҳалилов ва Абдумажид Топиловлар бошчилик қилаётган 1-Ленин, 7-Бобур ҳамда 18-«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» участка комиссияларида анча дуруст бормоқда.

Йиғилишларда иштирок этаётган аҳолининг савол-жавобларидан шундай хулосага келиш мумкинки, Пискентда одамлар бу сиёсий кампанияга катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Уларнинг аксарият қисми 17 март куни қўлларига бериладиган бюллетендаги «Тенг ҳуқуқли мустақил республикаларнинг янгиланган ҳамда ҳар қандай миллатга мансуб кишининг ҳуқуқ ва эркинлигига тўла даражада кафолот бериладиган федерацияси сифатида Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқини сақлаб қолишни зарур деб ҳисоблайсизми?»,— деган саволга «ҳа» деб жавоб бериш истагидадирлар. Мен ана шундай кишиларнинг баъзилари билан учрашиб, фикрларини эшитдим:

**Иброҳим ЭШОНҚУЛОВ,** «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи.

— Менинг назаримда мамлакатимиз раҳбарияти умумхалқ референдуми ўтказиб жуда тўғри иш қилмоқда. Бунга сабаб бўлган воқеа ва ҳодисаларни қўя турайлик. Лекин элатлар қалбида ўз она-Ватанларига нисбатан меҳр-муҳаббат туйғусининг қандай эканлигини ҳам билиб қўйиш керак-да.

Рўзномалардан Болтиқбўйи жумҳуриятларининг, Грузия, Арманистон ва Молдова халқининг СССР халқ депутатлари IV съездининг мана шу масала бўйича чиқазган қонунини ёқламаганларини ўқиб, таажжубландим. Агар улар ўз қарашларини ўзгартирмасалар катта хато қиладилар. Халқимиз бекорга куч бирликда деб айтмаган. Мисол учун Арманистонда юз берган табиий офатни олиб кўрайлик. Кучли зилзиладан катта зарар кўрган жойлар мамлакатимиздаги Иттифоқдош жумҳуриятларнинг беминнат ёрдамлари ва беқиёс ғамхўрликлари билан қисқа фурсатда яна асл ҳолига келтирилди. Хўш, мана шундай мисоллардан кейин ҳам буюк Иттифоқни парчаланиб кетишига йўл қўйиб бўладими? Биз қандай бўлмасин умумий уйимиз — СССРни сақлаб қолишимиз керак.

**Илья ТАРАСЮК,** Улуғ Ватан уруши фахрийси, ноҳия ветеранлар кенгаши аъзоси.

— Биз қадрдон Ватанимиз — СССРни Улуғ Ватан уруши йилларида жангоҳларда қон кечиб, жон олиб, жон бериб сақлаб қолган эдик. Агар ўшанда миллатлар бирлиги мустаҳкам бўлмаганида фашист босқинчилари устидан ғалаба қозона олмасдик. Энди бугунга келиб, тинчлик даврида мамлакатимиз равнақига шубҳа билан қараш нимаси? Уят эмасми? Иттифоқ яшаши керак! Бу ҳақда бошқача гап бўлиши мумкин эмас!

**Ваққос МАДАЛИЕВ,** хўжалик ҳисобидаги ноҳия уй-жойларни таъмирлаш участкаси ишчиси.

— Бу ҳақда қандай хулосага келиш шахснинг ўз эрки ва виждонига ҳавола этилганлиги учун ошкора фикр билдирмоқчиман. Жиддийроқ ўйлаб қарасам, биз Иттифоқимизни бўлиб юборганимиз билан амалда ҳеч нарсага эришолмас эканмиз. Аксинча, баъзи жиҳатлардан, хусусан мудофаа масаласида буткул заифлашиб қолишимиз мумкин. Бу эса яхши оқибатларга олиб келмайди.

Ҳозир муаммоларимиз қанчалик кўп бўлмасин хорижий давлатлар барибир бизга ҳавас қилишади. Мамлакатимизни буюк ва қудратли Иттифоқ сифатида тан олишади. Тинчлик алоқалари бутун дунё миқёсида кўнгилдагидек тикланиб бораётган бир пайтда биз СССРнинг обрўсини тўкмаслигимиз керак, деб ҳисоблайман.

Ҳа, қарашлар турлича. Лекин ҳаммасининг умумий мажмуаси қарийб бир хил. Мақсад — қандай бўлмасин Советлар федерациясини сақлаб қолиш, мамлакатимизнинг кўп миллатли халқлари қатори жумҳуриятимиз аҳолиси ҳам улуғ воқеа арафасида турибдилар. Мен 17 март тарихимиз саҳифаларида зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қолинишини, уни ҳар йили Иттифоқимиз миқёсида катта байрам сифатида нишонланишини истар эдим.

**И. ТОШЕВ.**

## УМУМИЙ САЙЛОВМИ ЁКИ СЎРОВМИ?

Бугунги қайта қуришнинг қизғин палласида барча субъектлар: жумҳуриятлар, партиялар, жамоат ташкилотлари, бошқарув органлари, ҳатто фуқаролар сиёсий ва ҳуқуқий қарашларга ўз муносабатларини билдиришмоқда. Ҳатто референдумда қатнашиш шартми ёки шарт эмасми, яъни қайси вариантни танлаш — сайловми ёки сўров — шунчаки оддий масала эмас, балки ҳал қилувчи муаммо бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, референдумнинг ўзи нима, у совет халқи учун зарурмиди, бусиз ҳам барча муаммоларни ҳал қилиш мумкин эди-ку, дегувчилар ҳам йўқ эмас!

Аслида, бу фикр «маҳкама ўйинлари» натижаси эмас, балки халқ талаби асосида вужудга келди.

Шу боисдан биз референдумнинг асосий мақсади ва вазифаси мамлакат аҳолисининг давлатимиз қурилиши ҳамда ҳозирги бошқарувига муносабати деб тушунамиз. Бу эса аслида Иттифоқимизга бўлган муносабатдир. Маълумки, бу ғоя жуда кенг маъно бериб, турли жумҳуриятларнинг Иттифоқимиз суверенитетига турлича муносабатларда бўлишларидан келиб чиқмоқда. Бу борада бир-бирига қарама-қарши қарашлар ҳам йўқ эмас. Ахир, Иттифоқни ягона Иттифоқ сифатида сақлаб қолишда фақат унинг иқтисодий равнақ топиши (жумҳуриятларнинг ҳам) назарда тутилмайди. Балки иқтисодий ҳамкорликдан ташқари, сиёсий ва мафкуравий қарашлар ягона, яъни муштарак давлат аҳамиятига эга бўлиб, у федерация мақомини олиши лозим.

Шунинг учун ҳам СССР Президенти баъзи жумҳуриятлар талаблари ҳамда мамлакатнинг ёрқин келажагини ўйлаб, шундай ташаббус билан чиқди.

Бундай ташаббусни мамлакат аҳли, жумладан вилоятимиз халқи тўла қўллаб-қувватлайдими? Буни 17 март — референдум кўрсатади. Чунки жумҳуриятларнинг Иттифоққа, Марказга, унинг баъзи шошилинч Қонунларига муносабати бир хил эмас, бу эса референдум жараёнини мураккаблаштириши турган гап.

Дарвоқе, ўтган йили СССР халқлари депутатларининг IV анжуманида бу муаммо — СССРни сақлаб қолиш, уни СССР деб номлаш депутатларнинг кўпчилик овоз бериши билан ҳал қилинган эмасми? Бироқ, СССРнинг федерациявий ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда унинг жумҳуриятлар томонидан тўла маънода қўллаб-қувватлашлари ҳамон жумбоқ бўлиб қолмоқда. Биргина, яна бош муаммоли масала бўлиб қолаётган миллат, миллатлараро муносабатларни олинг. Бизнингча, депутат В. Романовнинг, янги Иттифоқ шартномасини тузишда, «инсонларни, миллат ва элатларни обрўли, обрўсиз деб ажратишни мутлақо эсдан чиқарайлик», деган таклифи бугунги референдумнинг бош шиорига айланиши керак.

Сўнгги йилларда, бу борада миллат, элат ва этник гуруҳларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ўзлари белгилашлари аста-секин амалга оширилиши арафасида турибди. Биламизки, бир пайтлар қрим-татарлар, совет немислари ҳамда месхети турклари миллат сифатида ўз ҳудудига эга, ўз она тилини билишар ва анъаналарини равнақ топтиришар эди. Ҳозир бу масала ҳам ҳал бўляпти. Гарчи вилоятимизда қрим-татарлар ва Совет немисларининг миллий-маданий марказлари ишлаб турса-да, ўзларининг мустақил, тўла ҳуқуқли ҳудудларига эга бўлиши — миллий тўла ҳуқуқлилик муаммосининг ҳал бўлиши — миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқли ва эркин ривож топишидан далолат беради. Бундай мураккаб муаммо ҳам референдумда узил-кесил ҳал бўлиши керак. Яъни ҳар бир халқнинг истак ва талаби бажарилган ҳолдагина Иттифоқ Шартномаси тузилади, мустақил, айни бир пайтда ягона Иттифоқ Федерацияси вужудга келади.

Бизнинг шахсий кузатувимиз шу нарсага олиб келадики, референдум жуда мураккаб вазиятда ўтади. Боиси, биз пашшадан фил ясамоқчи эмасмиз. Жумҳуриятимиздаги «Бирлик» —халқ ҳаракати фаолиятида ҳам баъзи шошилинч фикрлар, ғоялар борки, буни ҳисобга олмай иложимиз йўқ. Унинг Марказий Кенгаши 17 март референдумига қарши сайловчиларни бойкот эълон қилишга чақирди.

Масаланинг бундай узил-кесил ва қатъий қўйилиши бугунги қайта қуришнинг ҳал қилувчи палласида жуда тўғри келармикан? Бу —биринчидан. Иккинчидан, халқ Президентлик Кенгаши, Вазирлар маҳкамаси ва Олий Кенгаш фаолиятини тўла маъқуллаши, бизнингча, референдумга лаббай, деб жавоб бериш бўлади.

Тўла ҳуқуқли ва суверен жумҳуриятлар, мухториятлар ҳамда миллий вилоятлар, округлар, Иттифоққа федерация сифатида жалб қилинса, барча фуқароларнинг тўла ҳуқуқи, эркин тенглиги таъмин қилинади. Бошқа сўз билан айтганда, мамлакатда ягона ҳуқуқий майдонни юзага келтириш, мамлакат фуқароларининг дахлсизлигини таъмин қилиш — референдумга олиб чиқилган асосий масалалардан бўлиб ҳисобланади. Хулоса қилиб айтганда, тенг ва эркин тараққий қилаётган фуқаролар жамиятини тузиш ва унинг ҳуқуқини давлат йўли билан ҳимоя қилиш — Иттифоқимизни бирлаштирувчи муҳим, ўта муҳим сиёсий ғоядир. Бундай сиёсий ғоя Иттифоқ аҳлининг турли демократик ва бошқа куч-қудратларини бирлаштириб, референдумнинг асосий мақсад ва вазифаларини 17 мартда, сайловда амалга оширади, деган умиддамиз.

Референдумга тайёргарлик кўриш борасида жумҳуриятимиз ва жумладан, вилоятда етарли ишлар олиб борилмоқда. Сайлов участкалари, уларга мўлжаллаган номзодлар кўрсатилган бўлиб, фақат мазкур тадбирнинг моҳияти ва аҳамияти омма ўртасида кенг тарғиб қилиниши лозим. Бизнингча, масаланинг иқтисодий вазиятини ҳам ҳисобга олиш керак. Ҳозир иқтисодий соҳада жумҳуриятларда тартиб-интизом анча сустлашди, буюртмаларни бажаришдан бош тортиш ҳоллари содир бўлмоқда, хом ашёларни айрибошлашга ўтиш назарда тутиляпти. Ҳатто иқтисодий чегаралар, алоҳида олинган ҳудудлар масаласини ҳал қилишга уринишлар бўлмоқда. Буни қандай тушуниш керак? Пахтани олайлик. Бу қимматбаҳо хом ашё РСФСРнинг 30 дан ортиқ шаҳрига экспорт қилинади. Ўрта Осиё жумҳуриятларидан ва қайта ишланиб, яна тайёр маҳсулот сифатида (кийим-кечак, саноат моллари ва ҳоказо) жумҳуриятимизга оширилган (бир неча баробар) нархда қайтарилади. Бундай иқтисодий сиёсат узоқни кўзламаган «баъзи ўртоқлар» учун жуда эриш туюлади. Лекин иқтисодий ҳамкорлик, товар алмашиш — энг муҳими иқтисодий-сиёсий алоқалар ҳамда дўстлигимиз асосий эканлигини бир зум ҳам унутмаслигимиз керак.

Албатта, пахтамизнинг 93 фоизи эмас, эҳтимол 50—60 фоизи четга жўнатилса, қолган қисми ҳудудимизда қайта ишлаб чиқилса, айни муддао эканлигини мустақил ва суверен жумҳурият бўла боришимиз сайин тушуниб олмоқдамиз. Бу иқтисодий сиёсатнинг муҳим томони. Бироқ жумҳуриятимизда, вилоятда етарли пахта йигирув, тўқув заводлари, фабрикалари мавжудми? Масаланинг ниҳоятда муҳим томони саноат, енгил саноат асосларини янада ривожлантиришимиз лозим. Бу гаплар илмий ва тарихий нуқтаи-назардан асосланган бўлиши учун жумҳурият режа ва иқтисодиёт масалалари қўмитаси қошида социологик-тадқиқотлар ўтказадиган Марказ тузиш пайти аллақачон етилган.

Биз яқинда вилоятнинг Тошкент ноҳиясида бўлиб, «СССРни сақлаб қолиш юзасидан ўтказиладиган референдумга муносабат» сўров-текширувини кузатиб (ҳаммаси 14 саволдан иборат), 90 фоиздан ортиқ ноҳия аҳли референдум томонида эканлигининг гувоҳи бўлдик.

Умуман, референдум қай тарзда ўтказилади? Борди-ю, бирорта жумҳурият федерациянинг янгиланишига қарши овоз берса, СССРдан унинг чиқиб кетиш тартиби ҳақидаги Қонун механизми ҳаракатга келади. Бу Қонун 1990 йил, апрель ойида қабул қилинган эди. Ўша жумҳурият ўзида яна референдум ўтказиши керак, токи 2/3 овоз олиб, беш йиллик ўтиш давридан кейингина СССРдан алоҳида ажралиб кетиши мумкин.

Баъзи маълумотларга кўра, олтита жумҳурият 17 март референдумида қатнашишдан бош тортган. Бундай бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Маълумки, ҳар бир жумҳурият, мухторият, миллий вилоят ва округлар ўз тақдирларини, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ўзлари белгилашади. Референдум дастурида таъкид қилинганидек, борди-ю жумҳуриятлар референдумда қатнашмаса, у ҳолда улар Иттифоқ таркибида федератив давлатининг бир ажралмас таркибий қисми сифатида қолаверишади.

Ишончимиз комилки, референдумнинг ўтказилиши вилоятимиз, қолаверса, жумҳуриятимизда федерациямизнинг соғлом ва дадил қадам қўйиши учун ҳал қилувчи туртки бўлади, Совет жамиятининг оғир ва қийин аҳволини яхшилаш учун олға қараб етаклайди.

**К. НОРМАТОВ,**
**тарих фанлари доктори, профессор,**

**Ҳ. ҲАМИДОВ,**
**тарих фанлари номзоди, доцент.**

● *Чекистлар ҳақида ҳикоялар*

## „МЕН ҲЕЧ ҚАЧОН ЎЗ ҒОЯМДАН ТОНМАЙМАН...“



Жамиятимиз дарғасини йўқотиб, ҳудудсиз денгизда бебош тўлқинлар қуршовида қолган улкан кемага ўхшайди. Унга ҳар хил бақироқ унсурлар, чўнтаккесарлардан тортиб, зимдан иш кўрадиган айёр бузғунчиларгача чиқиб олишган.

Менимча, ўлган раҳбарларимизни гўрларидан тортиб чиқариб, тепкилаганимиз, амалий иш қилиш ўрнига ўтмишни кавлаштириш билан банд бўлиб қолганлигимиз туфайли жамиятимиздан путур, коммунистларимиздан обрў-эътибор кетди. Қисқаси, мухолифларимизнинг етмиш йилдан зиёд вақтдан бери тушларида хаёл қилиб юрган орзулари амалга ошди: миллатлараро низолар авжга чиқди, кечагина бир-бирини нон-туз билан кутиб олган халқлар энди бир-бирига тош отмоқда.

Энди ҳаддидан ошган оломон Совет Армияси жангчилари ёдгорликларига ҳужум бошлади. Чунки, марҳумлар ўринларидан туролмайди, фашистларнинг ваҳшийликларини айтиб беролмайди. Лекин, урушнинг бевосита иштирокчилари, хунрезликларнинг тирик гувоҳлари бор-ку?

Қаршимда Хайриддин ака Асомиддинов ўтирибди. Кўкси жанговар орден ва нишонларга тўла. Ватан ва халқ учун ўз жонини аямай курашган, қардош жумҳуриятларни Гитлер вабосидан қутқаришга ҳисса қўшган одам.

— Совет Армиясига нисбатан қилинаётган асоссиз туҳматлар, марҳум қуролдошларимиз қабрлари оёқ ости этилаётганлиги биз ветеранларнинг юракларимизни зирқиратмоқда, — деди Хайриддин ака. — Гитлердек айёр, Германиядек қудратли империяга қарши омонсиз жангларга кирганимизда ёруғ кунлар келишига ишонган эдик. Биласизми, жангга отланганимизда ўз ҳаётимизни сира ҳам ўйламасдик. Чунки, эътиқодимиз, бизни курашга чорлаган йўлбошчиларимизга ишончимиз мустаҳкам эди. Агар ҳозиргидек ҳар бир нарсани муҳокама қилиб, аравани тўрт томонга тортганимизда бу кунларга етиб келмасдик. Тинчлик-омонлик пайтида гапириш осон...

Ҳайриддин ака Тошкентдаги 4-«Оқмачит» маҳалласида туғилган. Уруш бошланганда ўнинчи синфни тугатганди. Уни комсомол йўлланмаси билан 84-завод (ҳозирги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси)га юборишди. Бу ерда слесарь ва цех комсомол ташкилоти котиби бўлиб ишлади. Заводнинг ҳарбийларни ҳисобга олиш столи бор эди. У дўсти Собир билан кўнгилли бўлиб фронтга ёзилди. Танкчилар билим юртида ўқиди.

Ҳайриддин ака урушга Украинанинг «Не дай вода» қишлоғида кирди. Танкчилар командири бўлди. Ўша пайтда ташвиқот ишлари кучли бўлган, жангчилар совет танкларининг сувга чўкмаслиги, оловда ёнмаслигига астойдил ишонишган. Ҳайриддин Асомиддинов хизмат қилган қисм Қизил Байроқ, Суворов, Кутузов, Невский орденлари билан мукофотланган 110-танкчилар бригадаси таркибига кирарди. Бу бригада ўз қаҳрамонликлари билан шон-шуҳрат қозонган.

Фашистлар Украина, Молдавияда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийликлар қилишган. Молдавияда яҳудийлар қириб ташланган, молдаванларнинг кўпчилигини лўли, деб отиб юборишган.

— Биз Молдавияни озод қилишда қатнашганмиз,— деди Ҳайриддин ака. — Одамлар қўлларида нон-туз, кўзларида ёш билан кутиб олишганди.

Жангларда жасорат кўрсатган моҳир танкчи урушдан «Қизил Юлдуз», 2-даража Ватан уруши орденлари, бир неча жанговар нишонлар билан қайтди. Дастлаб комсомолда масъул вазифаларда ишлади. Сўнг уни жумҳурият Давлат хавфсизлиги вазирлигига ишга юборишди.

Ҳайриддин ака ўзбеклар орасидан етишиб чиққан дастлабки чекистлардан бири. Шу вазифада ишлаб полковник унвонини олди. У Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари давлат хавфсизлиги бошқармаларига раҳбарлик қилди.

1973 йили Сурхондарёда чегарани бузиб, нариги томонга ўтмоқчи бўлган киши қўлга олинди. У Москвага қатнайдиган пассажир поездларининг бирида ресторанда ишлаган, яширин равишда қўпорувчилик олиб борган. Сотқин чегарадан ўтмоқчи бўлиб, поезддан қолган. Чегарачилар уни ўн километр масофагача қувиб бориб, чакалакзор ичида ушлашди. Ёнидан ҳарбий аҳамиятга эга маълумотлар чиқди. Бу операцияни амалга оширишда Ҳайриддин Асомиддинов ҳам иштирок этган эди.

— Бугунги пайтда чекистларнинг вазифалари ниҳоятда оғир,— деди суҳбатдошим — Чунки, ҳамма ҳам ошкораликни тўғри маънода тушунавермайди. Мамлакатимизга оқиб, келаётган чет элликларнинг қайси бири дўсту, қайси бири душманлигини пайқаб олиш қийин. Албатта, меҳмондўстлик, очиқкўнгиллик яхши. Лекин, эҳтиёткорликни ҳам унутиш мумкин эмас. Негаки, ғарб давлатлари СССРга қарши қўпорувчилик ишларини тўхтатишгани, жосуслари эртак айтиб ўтиришгани йўқ.

Ҳайриддин ака билан суҳбатлашиб ўтириб, «За рубежом» ҳафтаномасида чиққан мақолалар ёдимга тушди. Унда чет эллик мутахассисларнинг мамлакатимиздаги аҳвол тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари берилган. «Москвадаги деярли барча кооператив ресторанлари,— деб ёзади «Бостон глоб мэгэзин» мухбири. — кунора топган даромадларининг маълум қисмини мафияга беришга мажбур». Мухбир СССР Ички ишлар Вазирлигида уюшган жиноятчилик билан шуғулланувчи Александр Гуровнинг сўзларини келтиради: «Бизнинг бандитлар билан хорижга жўнаб кетган муҳожирларнинг жиноий гуруҳлари ўртасида ўзаро алоқа мавжуд. Бундай алоқа айниқса, Америкада кучлироқ». Қарангки, совет гангстерлари Польшада яширин равишда ўтказилган «Жиноятчиларнинг халқаро съезди»да иштирок этишибди.

Демак, халқаро жиноятчилар ҳам, жосуслар ҳам изғиб юришибди. Шундай оғир кунларда давлатимиз хавфсизлик хизмати органларига катта умид боғламоқда. Чунки, ўз ғоялари ва касбларига садоқатли чекистларни «сотиб олиш» ёки йўлдан оғдириш асло мумкин эмас.

Ҳамма нарсага ҳамиша инсоф билан баҳо бериш керак. Ўзбекистон Совет ҳукумати даврида сўзсиз катта ютуқларни қўлга киритди, фан-техникаси ривожланди. Оддий деҳқон, колхозчиларнинг фарзандлари орасидан етук олимлар, ёзувчи, шоир, санъаткорлар етишиб чиқди. Масалан, Ҳайриддин аканинг ота-онаси ҳалол меҳнатлари билан кун кўрган оддий кишилар эди. Улар ўғилларининг давлатнинг масъул вазифаларида ишлайдиган даражага етишини хаёлларига ҳам келтиришмаган.

— Мен узоқ йиллар хавфсизлик хизматида ишлаганлигим учун эҳтиёткорлик қилаётганим йўқ, — деди Ҳайриддин ака. — Омонсиз жангларда турли миллат кишилари душманга қарши бирга жанг қилишган, ҳеч ким миллат суриштирмаган. Душманни ана шу аҳиллигимиз, мустаҳкам бирлигимиз туфайли енгдик. Ўзбеклар орасидан моҳир саркардалар етишиб чиққан. Мен уруш охирида танкчилар батальони командири ўринбосари, катта лейтенант эдим. Икки марта «Қизил Юлдуз», бир марта «Улуғ Ватан уруши» орденлари билан мукофотландим. Юксак даражага, мукофотларга Совет ҳукумати туфайли эришдим.

— Маҳаллий миллат вакиллари орасидан чекистлар тайёрлаш ишларини кучайтириш зарур. Бунинг учун ёшларимизнинг дунё қарашларини кенгайтиришимиз, рус ва бошқа халқлар тилларини пухта билишларига эришишимиз керак. Мустақиллик сари қадам қўяётган жумҳуриятимизда маҳаллий чекистлар, бошқа мутахассислар қанчалик кўп бўлса, бошқаларга муҳтожлигимиз шунчалик камаяди.

Суҳбатдошим қуйидаги гапларини алоҳида ёзиб қўйишимни сўради:

— Мен партияга ўқ ёмғирлари остида кирганман. У мен учун ниҳоятда қадрли. Ўз эътиқодим, ўз ғоямдан тонмайман. Мамлакатимизда Коммунистик партиядан бошқа нажоткор куч йўқ. Эҳтиросларга берилиб, партиядан чиқаётган кишилар янглишадилар. Бир ҳисобда эътиқодсиз кишилардан қутилганимиз ҳам яхши.

Ҳайриддин Асомиддинов ўз эътиқодига содиқ одам. У давлат хавфсизлик органларида узоқ йиллар ҳалол хизмат қилиб, «Октябрь Революцияси» ордени, «Жанговар хизматлари учун», «Давлат чегарасини қўриқлашда кўрсатган жасорати учун» медаллари, «СССР давлат хавфсизлиги қўмитаси фахрий чекисти», «Жумҳуриятда хизмат кўрсатган юрист» унвонлари билан тақдирланди.

Биз Ҳайриддин акага узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

**Эсон ҚОСИМОВ.**



**Сиз ушбу суратда кўриб турган ҳайдовчилар Ёқуб Расулов (чапда) ва Бахтиёр Машариповлар номини Калинин автотранспорт корхонасида ҳурмат билан тилга олишади. 20 йилдан ортиқроқ вақтдан бери ўз касбини ардоқлаб келаётган бу шофёрлар «Тошкент — Олмалиқ» оралиғида қатнаб, йўловчилар узоғини яқин қилишяпти. Нормани 120 фоизга етказиб бажаришмоқда.**

**Сураткаш М. МАҲМУТОВ.**

## «ХИМИК»ДА — ЗАНГОРИ ОЛОВ

Вилоятимизнинг Оржоникидзе ноҳиясидаги «Химик» давлат хўжалигининг энг катта — Боғистон номли кўчасидаги хонадонларга «зангори олов» кириб келди.

— Газни халқимиз жуда кўп йиллардан бери кутган бўлса-да, Чирчиқ шаҳри билан тузган шартномамиз тез иш берди. 1990 йилнинг май ойидан бошлаб биз улар ҳисобига 37 минг сўм пул ўтказдик. Асосий ишни бажарган «Газовик» ширкати жамоаси эса 8 ойда хонадонларни газлаштиришга улгурдилар. Бу 10 километр масофани ташкил қилади, — дейди хўжалик директори, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди А. Солибоев. — Ширкатчилар билан шартномамизни давом эттириб шу йил Крупская номли катта бир посёлкамизни ҳам газлаштирмоқчимиз.

**Н. ЗОИИРОВ.**



ЁЗУВЧИ ИЖОДХОНАСИДА

# КЎҲНА ТАРИХ ЧОРЛАЯПТИ

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ МИРМУҲСИН БИЛАН СУҲБАТ**

**— Рўзнома саҳифаларида адабиёт ва санъат арбоблари билан суҳбатлар босилиб туришидан хабарингиз бор. Сизга ҳам мурожаат этиб, 70 ёшга киришингиз арафасида бир-икки саволимизга жавоб беришингизни илтимос қилардим. Ёзувчиликка кириб келишингиз ва умуман босиб ўтган йўлингиз ҳақида гапириб берсангиз.**

— Бу ишни биров кеч, биров эрта бошлайди, камина жуда эрта «адабиётга шайдо» бўлганлардан. 1935—1936 йилларда шеърларим пионер рўзномасида босилиб, жумҳуриятдаги таниқли ёзувчиларнинг айрим асарларини ҳавас билан ўқиб чиқардим, китоб йиғардим. Сақичмон ва Ўзган маҳаллаларига келиб турадиган шоир Тавалло, бундан ташқари, тоғамнинг шоир Чўлпон билан яқин ошна бўлгани (ўз ўғли номини ҳам Чўлпон қўйган, у СССР Рассомлар уюшмаси аъзоси), маҳалламиздаги шоир Жиғой, Юнус Латиф, Талас, Солиҳқори Муталлибов, кейинчалик Ойдин опа билан яқинлигимиз, кулоллар ва мўйнадўзлар хонадонида қиш ойларида тарабуҳдан кейин тўпланишиб жангномалар ўқилиши — «Рустами достон», «Барзуи деҳқон», «Аҳмад Замчи», «Чориёр», «Алиф Лайло ва Лайло»ларни кичиклигимдан ухламай, танча четида ўтириб тинглаганим юракка учқун туширган. Сақичмон — Пичоқчилик, Чорсу — Бедабозор, Шайхонтоҳур, Кўкча, Себзору Кадват — Хасти Имом, Чақар—Бешёғоч, Оқмачит... маҳаллалари шаҳарнинг энг обод ва гавжум ерлари ҳисобланиб, гузарлари ғоятда файзли бўларди. Баъзан кўзни юмиб ўша даврларни эслайман, бузилиб-йўқ бўлиб кетган миноралару гумбазларни, айниқса, Эски Жувадаги Қодирийлар, Камию Сидқий-Хондайлиқий, Хислат эшонлар таҳсил кўрган гўзал Бегларбеги мадрасаси кўз олдимга келади...

1935 йили Бегларбеги мадрасаси рўпарасидаги китоб дўконидан «Меҳрим»ни сотиб олганим, шу йили Тошкент тиббиёт олийгоҳи касалхонасида хаста ётган Чўлпонни адабиёт ўқитувчимиз Самад Аҳмадий бошчилигида бориб кўриб келганимиз, 1937 йили зобитлар боғи рўпарасида Ёзувчилар уюшмаси ҳовлисида Абдулла Қодирийни кўрганим, у зот билан лаҳзалик омонлашганим ҳамон ёдимда (Ёзувчилар уюшмасига шеър олиб бориб, Ойдин опадан маслаҳат олардим). Шу йили Ёзувчилар уюшмасида Отажон Ҳошим раислигида «Евгений Онегин» таржимаси муҳокама қилинганида залнинг охирроғида камина ҳам ўтиргандим, Усмон Носир «Татьянанинг Онегинга хати»ни ўз таржимасида ўқиб берган эди. Афсус, шу равон таржима йўқолган.

Кўриб турибсизки, каминанинг ҳам кўрган-кечирганлари анча-мунча. Омонлик бўлса «етмиш ёшга етиб, саксондан сакраб ўтсак...» эсдалик ёзиш даври ҳам келиб қолар...

Юрак қаримайди! Ҳазрат Навоий: «соқол оқи ўлимга пешравдур, тириклик ҳилқати узра қировдир», деганларидек жисмимиз қариган бўлса ҳам юрак навқирон— етмиш йилдан бери тинмай болғасини уриб келмоқда. Унинг марду олижаноблиги туфайли шу кунларга етдик, қўлимиздан келганча азиз халқимизга хизмат қилаяпмиз.

**— Ҳозир қайси асар устида ишлаяпсиз ва келгуси режаларингиз қандай?**

— Олти-етти йил аввал бошлаган «Илон ўчи» романимни тугатдим. Унда ҳалоллик ва риёкорлик ҳамма вақт қаттиқ тўқнашувда бўлиши кўрсатилади. Тарихан ғоят қадимий адабиётимизда бу кураш асосий мазмунни кашф этиб, жуда кўп насрий асарлар яратилган. Романда мансабдор ўзбек оиласининг қизи — эрка Нигора қисмати, унинг фожиавий муҳаббати баён этилади, ҳалоллик билан риёкорлик олишуви оташида тобланади. Ривоятларга кўра илон ўлдирилган жуфти учун қаттиқ ўч олади, дейдилар, нопок кимсалар ҳам қаттиқ ўч оладилар. Қисқаси, ҳаётимизда ҳали узоқ йиллар собит турадиган ҳасадгўйликка қарши тиғ кўтарилади.

Асарда одоб ва аҳлоқ ҳақида ҳам гап кетади. Одоб— кишининг заковатидан дарак. Одобсизлик, нописандлик, димоғдорлик, ўзини бошқалардан юқори тутиш каби иллатлар фақат баъзи ёшларга хос эмас, биз кўп вақт шундай деб келдик. Бу — хато. Катта ёшдагилар, мансаб эгалари ҳам бундай иллатдан холи эмас, биз кўп вақт одоб ҳақида гап кетса ёшларни муштлаймиз. Тўғри, катталарга аввал салом бериш, қариялар ҳолидан хабар олиш, гўдакларга меҳрибон бўлиш керак. Баъзида ёши катталарнинг такаббурлиги, калондимоғлиги кишини ўртайди. Қари нодонга ким ақл ўргатади, дейди халқ. Муфтий , ҳазратлари, тиббиёт арбоблари ойнаи жаҳон орқали бир неча бор панду-насиҳат қилишди. Бу жуда тўғри бўлди. Аммо катта шаҳарларимиз — байналмилал шаҳарлардир. Турли миллат вакиллари ёнма-ён яшаяпмиз, лекин бирон маротаба православ дини епископи ёки рус миллатига мансуб академиклар одоб, ёшларнинг катталарга салом бериши ҳақида ойнаи жаҳонда ва матбуотда куйиниб гапирганлари йўқ. «Инжил»дан мисол келтириш мумкин эди-ку! Ёшлар катталарга транспортда, жамоа тўпланадиган жойларда, кўчаларда бир-бирига салом бермай хўмрайиб ўтиб кетиш ҳоллари кўп учрамоқда. Бир кичик дарз катта кемани ғарқ этишга қодир. Уларга саломингни еб қўйдингми, дейдиган одам йўқ!..

Кейинги ижодий ишим яна тарихий асар ёзишдир. Халқимизнинг кўҳна тарихи мени чорлаяпти.

**— Муштарийларга истакларингиз?**

— «Тошкент ҳақиқати» каминага мурожаат этибди, бундан рўзнома жамоасига жуда ҳам миннатдорчилигимни изҳор қиламан. Киши ўз руҳи-кайфияти билан ҳамма вақт бир хил турмайди... Севикли «Тошкент ҳақиқати» рўзномамизнинг барча муштарийларига ҳам сиҳат-саломатлик, бола-чақаларига бахту рўшнолик тилайман.

Суҳбатдош Дилмурод САИДОВ.

---

МИРМУҲСИН.

# СУМАЛАК

(«ИЛОН ЎЧИ» РОМАНИДАН ПАРЧА)

САВР ойида Ўзбекистоннинг ҳамма ерларида сумалак пишириш қадимий одат. Тошкенту Самарқандда, Фарғона водийси, Хоразм воҳаси, айниқса, Сурхон, Қашқадарё далаларида сумалагу Наврўзни халқ ғоятда кенг нишонлайди.

Урушдан илгари бир сабаб билан Тошкентга кўчиб келиб, ичкари, кўҳна маҳаллалардан бири бўлган Сақичмонда ватан қурган — ҳовли-жойлик бўлган Лазокатхон хонадонида сумалак пишириш ҳар йили одат тусига кирган, шу кун бир тўйга айланиб кетарди. Шу сумалакка Маҳбубахон ҳам таклиф этилиб, чоршанба — муродбахш куни у қизи билан бирга кечга яқин Сақичмон томон йўл олди. Кимсан Зулфиқоровнинг хотини сифатида Лазокатхоннинг бир яқини кексагина хотин атайи Маҳбубахонларникига келиб, она-болани олиб кетди. Йўлда қўқонлик аёл тоза сумалакнинг таърифини қилди.

— Ёшлигимизда Тошкентда ҳам сумалак кўп пишириларди, — деди йўлда Маҳбубахон, — нимагадир ҳозирги вақтда камайиб кетди. Адалари айтадилар, бултур шу сумалак сабабли кимгадир гап тегибди. Катта идорада ишлайдиган бир киши уйида айвон устунига исириқ боғлаб қўйган экан, кимдир ёзиб юборибди... бечорани партиядан ўчиришга озгина қолибди. Мен ҳам кетяпману бирон ғаламис юқорига ёзиб юборса бунинг адасига гап тегмасмикан? Эҳтиёт бўлиш керак. Бизларни Зулфиқоров оиласидан деб айтманг, айланиб кетай, ишқилиб тинчгина сумалакхўрлик қилиб келайлик.

— Қўрқманг, ўргулай, бу диний таомил эмас. Биз томонларда бемалол қилишади. Обком ҳам келадику! Илгари Андижондан Тешабой Мирзаев, ҳозирги кунда Турсуной Каримовалар келган... Айланиб кетай, қўрқманг!

— Сумалакни меъда касалига даво дейишади. Шу ростми?

— Ҳамма дардга даво, бунинг қадрига етмаганлар янглишади.

— Амалдорларнинг ҳам сумалак егиси келади, қандоқ қилсинлар, ҳукумат йўл бермайди, тўғри келиб қолса, бечоралар яширинча ейдилар.

— Ароқ қуриб кеткурни очиқ ичишади, сумалакни яширинча ейишади. Тавба! Ҳеч нарсага тушунмайсан, эгачижон!

— Фойдали нарсани едирмасликларига сабаб нима экан? Илгари бир кинода кўрган эдим. «Раҳмоновлар синглиси» деганмиди, котлет еб, борщ ичганларни партияга олишади. Ҳамма ишларимизга мункир кишилар қоронғи уй ичида чироқ ёқиб ўтириб, қўл билан палов ош ейишади... Палов ҳам аксилинқилобий овқатми? Ўттиз еттинчи йилда ҳадеб палов ош ейдиганларни олиб кетишган экан. Сен —миллатчисан, нега бошқа овқатлардан емайсан, нега колбаса еган, нега чўчқа боққанларни масхара қилдинг, дейишган экан. Ҳадеб, котлет, колбаса еб, кисель ичган Сайфуллаев деган ўқитувчига асло тегишмаган экан. Унинг хотини ҳам чўчқа гўштини бемалол еркан...

—Ишонаман, эгачи. Қўқонда бир табибни қамаб юборишди. Уйидан бир арава китобу дори-дармонлар чиқибди... Худони билмайдилар, ноинсофлар.

— Кўплар худони унутди.

— Ойи, худо борми ўзи? — Нигора аввал онасига, кейин қўқонлик Лазокатхоннинг дугонасига қаради.

— Худога ишонган одам учун худо бор, худога ишонмаган бетовфиқ учун худо йўқ!

Нигора бош ирғаб, тушундим ишорасини қилди. Машина ҳайдаб кетаётган шофёр йигит орқасига қайрилиб, асли қўқонлик хотинга бир қараб қўйди. Чамаси бу гап унга ёқди.

— Адалари сумалакни ўрганиб кел, вақти келиб уйимизда қиламиз, дедилар. Лазокатхон менга ҳам ўргатармиканлар? Ҳой, Нигора, сен ёзиб олгин. Эсимиздан чиқиб қолмасин. Аданглар тайинладилар. Сумалак жуда ҳам фойдали эмиш.

— Хўп, — деди шофёр ёнида ўтирган Нигора.

Маҳбубахон ва, қолаверса, Жамшидбекдек кишининг сумалакка қизиқаётгани қўқонлик аёлни ҳаяжонлантирди. У бу мўмиёдек бебаҳо неъматни эринмай тасвирлай кетди:

— Сумалак — аввало таом, мўмиёдек шифобахш. Наврўзи олам дастурхонининг «шоҳ» неъмати, уни тайёрлашнинг ўзига хослиги бор. Сумалак пишириш жараёни — ярим тўй, кўклам шодлиги, ўйин-кулги ва санъатдир!..

Сумалак пишириш жараёни, яъни қозонга олов ёқишдан то дам бергунга қадар бўлган муддат мобайнидаги иш камида ўн-ўн икки соат давом этади. Бу ҳол, айниқса, қишлоқларда, шомдан то тонггача бўлган вақтда бажарилади. Сумалакнинг меҳнати қанчалик оғир бўлмасин, у ниҳоятда озодаликни талаб қилади. Масалан, ерга ўрнатилган қозон атрофига буғдойнинг қуйқа-қолдиқлари худди сувалгандек қилиб ёйиб чиқилади. Бунинг боиси: сумалак пиширилаётганда қаттиқ қайнаши туфайли у сачрайди, юқоридаги иҳота эса лой-тупроқнинг қозонга тушишидан сақлайди. Чунки лой-тупроқ қўшилса сумалак аччиқ бўлади. Сумалак сузиб олингач, қозон атрофидаги ана шу қуйқа-қолдиқлар йиғиб олинади-да, молларга берилади...

Машина Сақичмон маҳалласига киришда, катта кўчада одамлар оломони устида банорас паранжи ёпилган тобут келаётганига кўзи тушган ҳайдовчи йигит дарҳол машинасини йўл четида тўхтатиб, машинадан чиқди-да, яна эшикни ёпди. У югурганча тобут томонга борди, одамларни ёриб, туртиниб, тобутга яқин келди. Анча жойгача навбат кутиб, юриб борди. Кейин тобут ёғочини елкасига олиб, анча жойгача кўтариб борди. Бошқалар сурилиб келиб, ҳайдовчи йигит елкаси ўрнига елка теккач, у сирғалиб оломон ичидан чеккага чиқди. «Жойингиз жаннатдан бўлсин...» деб пичирлаб дуо ўқиб, тик турганча юзига фотиҳа тортди. Шундан сўнг анча орқада, йўл четида қолиб кетган машинаси томон чопиб келди. Ўн беш минутдан мўлроқ тоқати тоқ бўлиб кутиб ўтирган хотинлар қолиб, Нигора гап ташлади:

— Ким ўлибди? — сўради ҳайдовчи йигитдан Нигора тажанг бўлиб.

— Билмайман... Кекса аёл киши вафот этганга ўхшайди.

— Танимайсизми?

— Йўқ.

— Танимаган одамга ҳам борадими?

— Ҳа

— Қизиқ.

— Таниш-танимаслигимнинг аҳамияти йўқ, тобутни кўтариш фарз! Тўйга бориш ихтиёрий, аммо юртдоши тобутини кўтариш фарз! Адамлар шундай деганлар,— ҳайдовчи йигит ўнг томонига, Нигорага бир қараб қўйди-да, машинани гуриллатиб ҳайдаб кетди...

---

# ДЎСТЛАР ЁДИ

АФҒОН урушида Бўстонлиқ ноҳиясининг Қўшқўрғон қишлоғидан 40 дан зиёд йигитлар қатнашган эди. Ҳозирги кунда булардан 34 нафари шу ерда истиқомат қилади. Икки киши қайтмаган. 24 собиқ аскарга Президентимизнинг махсус қарорига асосан уй-жой берилди, бир киши енгил машиналик бўлди.

Совет чекланган қўшинларининг Афғонистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилганлигига икки йил тўлиши муносабати билан қишлоқ шўроси клубида собиқ байналмилалчи-жангчиларнинг ана шу санага бағишланган хотира кечаси ўтказилди. Йиғилганлар афғон урушида ҳалок бўлган дўстларини ёдга олдилар. Кечага «Ленинград» жамоа хўжалиги аъзолари, ноҳия ҳарбий комиссарлиги вакиллари ташриф буюришди. Йиғилганларни 30-, 31-ўрта мактабларнинг ўқитувчилари, жамоа хўжалиги раиси, маҳалла оқсоқоллари табрикладилар.

Кечага клуб қошидаги «Ниҳола» ва «Юлдуз» қозоқ ансамбллари куй ва қўшиқлари билан файз киритдилар.

Ҳ. ЮНУСОВ.

# ТУТҚУН АСКАРЛАР ҲАМ ЭСЛАНДИ

«Спектр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Афғонистон тупроғидан совет қўшинлари қайтганликларига икки йил тўлиши муносабати билан қатор тадбирлар уюштирганликлари ҳақида хабар қилган эдик.

Яқинда авиасозлар маданият саройида ўтказилган учрашув ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Собиқ жангчилар Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг диний бошқармаси, республика Қизил ярим ой жамияти, ҳалок бўлган байналмилал жангчилар оналари томонидан тузилган «Бурч» қўмитаси вакиллари билан учрашдилар.

Кўпчилик саволлар асирликда тутиб турилган совет аскарларини қутқариш борасида қандай ишлар бажарилаётганлигига тааллуқли эди.

Диний бошқарма вакили Лутфулла қори Носиров ўтган йилнинг сентябрь ойида ва яқинда муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф икки бор Покистонда бўлганликларини, мужоҳидлар раҳбарлари билан музокаралар олиб борганликларини, асирдан озод қилишда қўлдан келадиган кўплаб ишлар қилаётганларини гапирди. Республика Қизил ярим ой жамияти раиси ўринбосари З. Муродов, «Бурч» қўмитаси раиси Л. Олейниковалар ҳам тутқунларни озод қилиш борасида кўраётган тадбирлари ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Булардан ташқари собиқ жангчилар ўз муаммолари ҳақида мулоҳазалар юритдилар. Турли саволларга, жумладан, Ўзбекистон байналмилалчи-жангчилар ва заҳирадаги аскарлар уюшмаси раиси В. Мельничук жавоб берди.

Учрашув сўнгида қўшиқлар ижро этилди, шеърлар ўқилди.

С. АЛИМОВ.

# БЕТАКРОР ЛАҲЗАЛАР

Шу кунларда СССР Халқлари дўстлиги музейида Ўзбекистоннинг турли минтақалари — Тошкент, Самарқанд, Бухоро сингари йирик шаҳарларида яшаб, ижод қилаётган рассомларнинг 60 дан зиёд янги асарлари намойиш қилинмоқда.

Б. Саломовнинг «Баҳор» туркум картиналари томошабинларда қизиқиш уйғотмоқда. Мўйқалам устаси баҳор фаслида табиатнинг уйғониши, қир-адирлар қўй-қўзиларга тўлиши, дарахтлар куртакларининг бўртиб япроққа айланиши, узоқ ўлкалардан қушларнинг учиб келиши, боғ-роғларда иш қизғинлиги ранго-ранг бўёқларда тасвирланган бўлса, Н. Шиннинг «Куз» туркум асарларида бу манзаранинг акси тасвирланган. Кўргазмага қўйилган санъат намуналаридан томошабин баҳордан бошланган қишлоқ турмуш ташвишлари кузга бориб ниҳоясига етишидан ташқари, оралиқ мавсумда инсон эришган муваффақиятларигача қишлоқ манзарасининг бетакрор дамлари қаламга олинганини илғайди.

Бундан ташқари, К. Нуриддиновнинг «Қўшиқ», «Ўзбеклар» фильмига чизилган эскизлари, Р. Гоглоеванинг «Ёлғизлик», М. Есиннинг «Сўнгги карвон», П. Мордвинцевнинг «Хива дарвозаси олдида» сингари асарлари мавзу ранг-баранглиги, деталларнинг бетакрорлиги, миллийликни акс эттирувчи ёрқин қирралари билан томошабинлар диққатини ўзига тортмоқда.

Т. ИСМАТИЛЛАЕВ.

# • СПОРТ •

### ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

● Москванинг МАСК усти ёпиқ спорт саройида ўтказилган енгил атлетика бўйича СССР Кубоги мусобақаларида тошкентлик Сергей Усов 60 метрлик масофага тўсиқлар оша югуришда 7,58 секунд натижа кўрсатиб ғолибликни қўлга киритди.

### ВЕЛОСПОРТ

● Италияда ўтаётган «Сицилия ҳафталиги» нуфузли профессионал велопойгасининг дастлабки босқичида ҳамюртимиз, тошкентлик Жамолиддин Абдужабборов маррага биринчи бўлиб келди. Кейинги босқичда эса учинчи натижа кўрсатди.

### ФУТБОЛ

● БИР неча кун Эрон сафарида бўлган СССР Олимпия терма командаси олдиндан режалаштирилганидек мезбонларнинг миллий терма командаси ва мамлакат чемпионига қарши майдонга тушаолмадилар. Бунга сабаб, совет футболчиларига яқинда зилзила содир бўлган ҳудудларда аҳоли кайфиятини кўтариш учун Эрон биринчилигида қатнашувчи командалар билан ўртоқлик учрашувлари ўтказишлари ҳақидаги таклиф бўлди.

«Насажи» (Гоимш, 1:0), «Шаҳрдари» (Сари, 1:0), «Малеван» (Энзели, 4:0), командаларидан устун келган олимпиячиларимиз — «Эстеклялю» (Решт, 0:2) га ютқазиб қўйдилар.

Терма командамиз сафида пахтакорчи Миржалол Қосимов ҳам майдонга тушди.

### БАСКЕТБОЛ

● СССР биринчилигида иштирок этаётган Тошкентнинг «Узстроймеханизация» командаси Ленинграднинг «Спартак» командаси билан бўлган учрашувда яна мағлубиятга (98:105) учради.

### ТУЗАТИШ

РЎЗНОМАНИНГ 26 февраль куни эълон қилинган «Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунни кучга киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши қарорининг 2-устун юқоридан 10-сатри қуйидагича ўқилсин: «тўртинчи қисмининг уставни».

Бу хатога қарор матнини тайёрлаш жараёнида йўл қўйилган.

---

# ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги
«ХАНДА» ИЖОДИЙ МАРКАЗИ
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

5 МАРТ СОАТ 16.00 ВА 19.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН ДЎСТЛИК ВА СЕВГИ ТАРОНАЛАРИ

РАЖ КАПУР, МУКЕШ, МУҲАММАД РАФИ ва КИШОР КУМАР хотирасига бағишланган

## КАТТА КОНЦЕРТ

ПРОГРАММАДА:

«БОМБЕЙ АРТ ГРУППА» Деҳли эстрада ансамбли: МУКЕШ ГУПТА, ДЕЕПАК КУМАР, АЛКА ГАНОҲИ, ДХАНВАНТИ, РОХИТЛЕКХИ, АГАМ ПРАШАД, МАДАНЛАЛ КАНОИЯ.

«ИНДИАН МАДЖИК ГРУППА» ҳинд сеҳргарлик гуруҳи раҳбари, АШОК БХАНДАРИ

«ХАНДА» САТИРА ВА ЮМОР АНСАМБЛИ: ШЕРҚУЗИ ҒОЗИЕВ, МАВЛУДА ТУРДИЕВА, ТУРСУНОЙ САПАЕВА.

КОНЦЕРТДА: ҳинд кинофильмларидан қўшиқ ва рақслар ижро этилади.

Чипталар Халқлар дўстлиги саройи кассасида сотилмоқда.

---



ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
ФАҚАТ
«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ САРОЙИДА
1991 ЙИЛ 1—3 МАРТ КУНЛАРИ

## «СПОРТ ВА САНЪАТ» ТОМОШАЛАРИ

Ҳозиржавоблик руҳидаги яккама-якка курашлар, нарсаларни синдириш, анъанавий хитой қуроли турлари билан бирга

УШУ, ҚАРАТЭ, ТАЭКВОН-ДО ва қўл жанги бўйича

## ХАЛҚАРО СОВЕТ-ХИТОЙ КЎРГАЗМАЛИ ЧИҚИШЛАРИ

Бутуниттифоқ РИГА-88, КИЕВ-89 фестиваллари, Москва Халқаро шарқий якка кураш фестивали-90 анжуманларининг лауреатлари, СССР Чемпионати, Жаҳон Кубоги, СИЭТЛ-90 (АҚШ) эзгу ният ўйинларининг чемпионлари ва совриндорлари қатнашадилар.

«РОБЕСПЬЕР» РОК-ПОП гуруҳи.

Яккахонлар — Марат РОБЕСПЬЕР ва Маша ЖУРАВЛЕВА.

Барча даврлар ва халқларнинг рақслари.

Ж. ИСМОИЛОВнинг бадиий раҳбарлиги остидаги ансамбль акробатик РОК-Н-РОЛЛ, Майкл ЖЕКСОНнинг «ТРИЛЛЕР» кинофильмидаги «даҳшатлар» рақсини, ламбада рақсларини ижро этади.

Конферансье — Москва эстрадасининг артисти, ҳажвчи Д. АЛЬБИТСКИЙ.

Марказий «ЮБИЛЕЙ» спорт залининг кассалари ҳар куни соат 10 дан 19.00 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: касса—46-03-12, 46-70-31; маъмурият ходими — 46-07-53, 46-68-77.

---

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

«Мактабгача тарбия муассасаларида тарбиячи» мутахассислиги бўйича

СИРТҚИ БЎЛИМГА
1991—1992 ўқув йили учун

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

**Билим юрти 10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган, мактабгача тарбия муассасаларида ишлаб турган фуқаролар ўзбек ва рус группаларига қабул қилинади.**

**Ҳужжатлар 15 апрелдан 5 июнгача қабул қилинади.**

**Кирувчилар қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:** Билим юрти маъмурияти номига ариза, аттестат (асли) 086/У табобат маълумотномаси; меҳнат дафтарчасидан кўчирма (маъмурият тасдиқлаган); 3х4 см. ҳажмли 4 дона фотосурат; паспорт.

**Кириш имтиҳонлари 6 июндан 20 июнгача.**

**Кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:**

**Мутахассислик бўйича:** ифодали ўқиш ва мусиқа тинглаш қобилиятини текшириш (оғзаки).

**Ўзбек тили ва адабиёти** (диктант).

**Биология** (оғзаки).

Мурожаат учун манзилгоҳимиз: 700187, Тошкент шаҳри, Темир Малик кўчаси, 112-уй (49, 63, 73, 89, 112-автобусларнинг «1-қорасув» бекати).

---

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ШИРКАТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

## ДИҚҚАТИГА!

«УРАЛ» Совет-Британия қўшма корхонасининг «ТЕХНЕЗИС-ИНФО» ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ ПК I ВМ РС(ХТ)АТ негизидаги дастурий-техникавий комплексларни ўртача нархларда

## ЕТКАЗИБ БЕРАДИ

**Ишга тушириш-созлаш ишлари ва 12 ой давомида техникага кафолатли таъмирлаш хизмати кўрсатиш ҳам дастурий-техникавий комплекс қийматига киради.**

Буюртмачи олдиндан Тошкент шаҳрида ДТКнинг имкониятлари билан танишиб чиқиши мумкин. Ҳақини тўлагандан сўнг 24 соат мобайнида етказиб берилади.

Буюртмачининг хоҳишига кўра «ТЕХНЕЗИС-ИНФО» ДКга техника хизмати кўрсатади ва дастурий воситаларни ишлаб чиқади.

«ТЕХНЕЗИС-ИНФО» шартнома тузишга кўмаклашувчи шахсларга миннатдорчилик изҳор этади ва бу ҳолда агентлик хизматлари учун ҳақ тўланиши назарда тутилган.

**Маълумотлар олиш учун телефонлар:** 67-25-57, 67-77-06.

---

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353, масъул котиб ўринбосарлари — 325750, бўлимлар: мафкура, ёшлар ҳаёти ва ахборот — 325778, 325645, 337010, Қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Кенгашлар ҳаёти — 325733, ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767, адабиёт ва санъат — 325553; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354, жамоатчи кенгаш қабул хонаси — 33-40-48, 325354, эълонлар бўлими —325727.

Буюртма — 4880. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12